



ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ГРАММАТИКАСИГА ДОИР МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Маълумки, туркий тилларни қиёслаб ўрганиш XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида жиддий тус олди. Натижада бу тилларнинг таснифи яратилди, қардошлик даражаси аниқланди, фонетикаси, лексикологияси, семасиологияси, терминологияси, терминографияси, грамматикасига доир қимматли материаллар тўпланди, шу манбалар асосида ҳамон ўз қийматини йўқотмаган асарлар юзага келди. Булар, С.Н.Иванов, Н.Ф.Катанов, А.Н.Кононов, В.В.Радлов, Э.В.Севортян, Н.А.Баскаков, Н.З.Благова, В.Котвич, К.М.Мусаев, Э.Н.Нажип, Ҳ.Ғ.Неъматов, Л.А.Покровская, Э.Р.Тенишев, Э.А.Умаров, Э.Фозилов, А.М.Шчербак ва бошқаларнинг шоҳ асарларидир. Бу асарларнинг аксарияти бугунги ўзбек ўқувчиларининг кенг қатламларига нотаниш. Чунки уларнинг бирортаси ҳам ўзбек тилига таржима қилинмаган. Улар ҳақида илмий ва илмий-оммабоп мақола ва тақризлар ёзилмаган, рус тилида ёзилган тақризлар ҳам таржима қилинмаган. Туркий тилларни қиёслаб ўрганишга доир ўзбек тилида яратилган тадқиқотлар эса бармоқ билан санарли даражада.

Шу нуқтаи назардан профессорлар Ҳ.А.Дадабоев ва З.Т.Холмоноваларнинг “Туркий тилларнинг қиёсий – тарихий грамматикаси” ўқув қўлланмасининг чоп этилиши [- Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015, 220 бет] айна муддао бўлди. Туркий тилларнинг фонетикаси, лексикаси, морфология ва синтаксиси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ушбу ўқув қўлланмада кўплаб янги ёки янгича талқин қилинган, мунозарага чорловчи, ўқувчини ўйлантирадиган маълумотлар ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда, ушбу асар билан танишган ўқувчи, хоҳ талаба, хоҳ тилшунос олим бўлсин: 1) туркий тилларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, олтой тиллар оиласи, туркий тилларнинг ўзига хослиги, уларнинг фонетик, лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида қимматли ва бирламчи маълумотга эга бўлади; 2) туркий халқлар ва уларнинг тиллари таснифи, тарқалиш ҳудудлари каби муаммоли масалалар ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилади; 3) туркий тиллар дастлабки унсурларининг ҳозирги туркий тиллар ва шеваларда сақланиб қолиш даражаси, бу жараёни юзага келтирган лисоний ва нолисоний омиллар хусусида ишонарли назарий маълумотлар ва улар устида мустақил ишлаш кўникмаларига эга бўлади. Айтилганларга ишонч ҳосил қилиш учун ушбу қўлланманинг исталган фаслига мурожаат этиш мумкин. Масалан, “Кириш” да туркий тилларнинг қиёсий – тарихий грамматикасининг яратилиши ҳақидаги мулоҳазалар билан боғлиқ ҳолда энг қадимги ёзма ёдгорликлар (сўғд, кўк турк ёзувлари ва уларда битилган Тўнюқук, Ўнгин, Кул Тегин, Билга хоқон) ҳақида маълумот берилади, Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари ҳақидаги баҳс – мунозараларга муносабат билдирилади, ўзбек адабий тилини даврлаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалар умумлаштирилади. Бу таснифнинг рус ва Ғарбий Европа тилшунослигида ишлаб чиқилган энг мукамал таснифлар билан ҳамоҳанглигини эътироф этиш жоиздир. Қиёсланг: 1. Энг қадимги туркий тил (милоднинг V асригача); 2. Қадимги туркий адабий тил (VI – X асрлар); 3. Эски туркий адабий тил (XI – XIV асрлар); 4. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрнинг иккинчи ярми – XX асрлар); 5. Ҳозирги ўзбек адабий тили (XX асрнинг бошидан ҳозирги давргача).

Шунингдек, ўқув қўлланмада ҳозирги туркий тилларнинг даврланиши (олтой даври, хун даври, турк даври, янги турк даври, энг янги турк даври) ва олтой тиллар оиласи, шу оилга мансуб тиллар ўхшашлиги (олмошлар мисолида), туркий, мўғул, тунгус-манчжур гуруҳига кирувчи тилларнинг умумий фонетик, морфологик, синтактик, лексик белгилари тегишли мисоллар билан асослаб берилган. Муаллифларнинг туркий тилларда унлиларнинг уйғунлиги, сўз бошида сонор товушларнинг ишлатилмаслиги, бир сўзда ундош товушларнинг ёнма-ён келмаслиги; грамматик роднинг йўқлиги, ўзакнинг мустақил маъно ифодалаши, агглютинатив характерга эга грамматик категория сифатини шаклланмаганлиги, префикс ва предлогларнинг йўқлиги, грамматик соннинг икки тури (бирлик ва кўплик) мавжудлиги ва б. ҳақидаги



мулоҳазалар ҳам ўқувчининг туркий тиллар тузилиши ҳамда қардошлиги ҳақидаги билим ва тасаввурларини бойитиши шубҳасиз.

Ўқув қўлланмада урал-олтой мактаби асосчиси Филипп фон Страленбергнинг “Татар тиллари” номли асари ҳақида маълумот берилган. Унинг ушбу қитобига қилинган “Poliglotta tabula” (“Тиллар жадвали”)да тилга олинган ўттиз еттита туркий тил ҳақида маълумот берилгани ҳам эътиборга молик:

1. Фин- угор (муаллифга кўра “уйғур”) тиллари: мажор, фин, вогул, геремис, пермяк, вотяк, остяк;
2. Турк- татар тиллари: татар, ёкут, чуваш;
3. Самодий тили.
4. Мўғул-манчжур тиллари: қалмиқ, манчжур, тангут;
5. Тунгус тиллари: тунгус, камасин, арин, коряк, курил;
6. Қора ва Хазар денгизлари орасида яшовчи халқлар тиллари.

Олтой тиллари (улар В.Шотта ва Н.Баскаков таснифида мўғул, тунгус ва манчжур деб уч гуруҳга бўлинади), хусусан, унинг етакчи бўғини бўлган туркий тиллар, уларнинг таснифи ва тарқалиш ҳудуди, шу тилларда сўзлашувчи халқларнинг сони хусусида қимматли мулоҳазалар билдирилганки, улар талаба ҳамда соҳа мутахассислари, шунингдек, минг йиллар қаърига бориб тақалувчи тарихимизга қизиқувчи барча ватандошларимиз учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқув қўлланмада туркий тилларга оид материалларнинг лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ва барча туркий тилларга хос хусусиятларни ифодаловчи ўн учта товушни ифодаловчи транскрипцияда берилиши унинг амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилиши аниқ. Чунки ундан нафақат ўзбек филологлари, балки бошқа туркий тиллар билан шуғулланувчилар тадқиқотчилар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

Шу фаслнинг кейинги саҳифаларида ҳозир амалда бўлган 22 туркий тил (ўзбек, турк, туркман, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, татар, (қозон татарлари), уйғур, чуваш, бошқирд, қорақалпоқ, ёкут (саха), қорачой, нўғай, кўмик, гагауз, болқар, олтой (уйрот), хакас, халач, қарайим), 6 ўлик туркий тил (ўрхун, печена, кипчоқ, қадимги уйғур, булғор, хазар) ҳақида маълумот берилган. Ўзбек тили ўтмишда *туркий, сарт, чигатой* терминлари билан аталиб келингани таъкидланган.

Иккинчи фасл “Туркий тиллар фонетикаси” деб номланган. Унда фонема, товуш, сингармонизм, унли ва ундошлар тизими, ротацизм ва лабдаизм ҳодисалари, жаранглашиш ва жарангсизлашиш сингари фонетик жараёнларнинг қиёсий-тарихий тавсифи берилган, улар ҳақидаги мунозарали назарий фикрларга аниқликлар киритишга ҳаракат қилинган.

Гагауз тилида 18 та, умумтуркий бобо тилда 8 та, ҳозирги аксарият туркий тилларда 8 та, ҳозирги ўзбек тилида 6 та (кейинги маълумот мунозарали) унли товушнинг амал қилаётгани, бирламчи ва иккиламчи чўзиқ унли ҳамда дифтонглар ҳақида келтирилган маълумотлар ўқувчи тасаввурини бойитади, унда туркий тилларни қиёслаб ўрганишга қизиқиш уйғотади.

Маълумки, туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида сингармонизм масаласи жуда мунозарали бўлиб, бу ҳақда гап кетганда, кўпинча, рус олимларининг фикрларига таянилади. Бу ҳолат она тилимизда сингармонизмнинг ўзига хос фонетик ҳодиса сифатида жиддий ўрганилмаганидан далолат беради. Туркий бобо тилда танглай (палатал) сингармонизми бўлгани, ҳозирги уйғур тилида унинг бошқа кўриниши ҳам мавжудлиги, тескари сингармонизм (кейинги бўғиндаги тор *i* унлиси таъсирида ундан олдинги бўғиндаги *a* унлисининг торайиши ва *e* товушига ўтиши) уйғур тилидан ташқари, ўзбек тилининг Наманган ва Уйчи шеваларида учраши (белик “балиқ”, жейим “жойим”), сингармоник вариантдошлик, лаб сингармонизмининг ўзбек ва хасак тилларида кам учраши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам қўлланма муаллифлари изланишларининг ҳосиласидир. Ўзбек тилида сингармонизм масаласи мунозарали ва қизиқарли бўлгани боис, муаллифларнинг бу ҳақдаги сўзларини келтирамиз: “Ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм сезилмас даражага келиб қолган. Бу ҳодиса айрим сўзлар таркибидагина сақланган. Ўзбек адабий тилида сингармонизмнинг бузилиши, биринчи навбатда, ўзбек тилининг ички таракқиёти асосида юз берди. Буни бошқа туркий тиллардаги сингармонизм



қонуниятига бўйсунмайдиган аффикслар, сингармонистик вариантларнинг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Ўзбек адабий тилидаги сингармонизмнинг кучсизланишида суғд, хоразмий, сак ва форс-тожик каби шарқий эроний тиллар ҳамда араб тилининг таъсири катта бўлди. Бу тиллар таъсири натижасида туркий тил (эски ўзбек тили) фонетикаси, лексикаси, грамматикасида айрим ўзгаришлар юзага келди” [Х.А.Дадабоев, З.Т.Холманова, 29-б.].

Китобнинг туркий тиллар лексикаси, морфологияси, замон ва майл категориялари, содда ва қўшма гап синтаксиси, туркий халқлар ёзуви тарихи, айрим туркий тиллар ҳақида берилган маълумотлар асоси бўлиши баробарида кенг камровли ва эътиборга молик ҳамдир. Масалан, содда ва мураккаб морфологик бирликлар агглютинатив ва флектив тилларга хос хусусиятлар, туркий тилларда сўз туркумлари, уларнинг поғонали жойлашиши каби масалалар туркий тиллар материаллари асосида қиёслаб ўрганилган ва қизиқарли хулосалар қилинган.

Тақриз муносабати билан айрим мулоҳазаларимизни ҳам билдириш жоиз деб ўйлаймиз:

Биринчидан, қиёсий – типологик тадқиқотлар тарихида биринчи бўлиб, М.Кошғарий қардош тилларни, А.Навоий ноқардош тилларни қиёсий ўрганишга асос солганликлари қайд этилиши лозим эди. Чунки, ҳатто, ўзимизда ҳам қиёсий ва чоғиштирма тилшунослик ибтидосини Ғарбий Европа олимларига олиб бориб тақашади. Холбуки, бу жараён Европада қиёсий тилшунослик номи билан XIX асрдан бошлангани илм аҳлига аён дир.

Иккинчидан, машхур турколог, этнограф ва фольклорист Н.Ф.Катанов (1862-1922) ва унинг магистрлик диссертацияси сифатида тақдим этилган ва унга қиёсий тилшунослик бўйича фан доктори илмий даражасини беришга асос бўлган “Опыт исследования урянхайского языка с указанием главнейших родственных отношений его к другим языкам тюркского языка” (Казань, 1903) номли 1539 саҳифадан иборат иши ҳақида ҳам мухтасар маълумот берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Учинчидан, барча агглютинатив қурилишли тилларда грамматик мослашув йўқлиги мўътабар манбаларда эътироф этилган. Масалан, атоқли тилшунос олим В.Д.Аракин бу ҳақда шундай ёзади: “Барча туркий тилларда биз айнан бир хил белгиларни кўрамиз: фонетик сатҳдаги асосий белги сингармонизм; 2) аффиксларнинг бир маънолиги; 3) *мослашувнинг* синтактик алоқанинг бир тури сифатида *мавжуд эмаслиги*; 4) аниқловчининг аниқланмишдан олдин келиши; 5) эргаш гаплар ўрнида уюшиқ бўлақларнинг қўлланиши ва барқарор умумийликни ҳосил қилувчи бошқа айрим белгилар” [В.Д.Аракин. Сравнительная типология английского и русского языков, - Л., 1979. с. 18] (таъкид бизники – И.Мирзаев).

Шунингдек, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам сондан кейин кўплик шаклининг қўлланмаслиги алоҳида таъкидланса, тилимизнинг миллий ўзига хослигини намоён этувчи бу темир қонунни бузаётганларга эслатма бўларди.

Хуллас, профессорлар Х.Дадабоев ва З.Холмоноваларнинг “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси” ўқув қўлланмаси барча ватандошларимиз, хусусан, туркий халқларнинг келиб чиқиши, тиллари, этнографияси, тарқалиш ҳудуди сингари масалалар устида изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда улар билан қизиқувчи китобхонлар томонидан зўр қониқиш ҳисси билан кутиб олинишига, мазкур қўлланма нафақат филология йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга ўқитиладиган “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси” фанидан, балки “Туркий филологияга кириш”, “Туркий халқлар адабиёти тарихи” сингари фанлардан оладиган билимларини мустаҳкамлашда ва тўлдиришда ҳам хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Ибодулла Мирзаев – СамДУ
филология фанлари доктори, профессор**